ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ ТУШУНЧАСИ ВА ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ МУАММОЛАРИ

Ergashev Baxtiyor Ortiq o‘g‘li
IIV Akademiyasi mustaqil izlanuvchisi
https://doi.org/10.5281/zenodo.20047932

Аннотация: Ишчанлик обрўси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий ҳимояси фуқаролик ҳуқуқида муҳим ўрин тутади. Ишчанлик обрўси шахс ёки юридик шахснинг касбий ва тадбиркорлик сифатларига нисбатан жамият томонидан берилган баҳони ифода этади. Бу номоддий актив бўлиб, компания қийматига таъсир қилади, goodwill таркибида акс этади ва ноқонуний бузилишдан ҳимоя қилиниши лозим. Ушбу тадқиқот ишчанлик обрўси тушунчасини таҳлил қилади, уни тартибга солишдаги асосий ҳуқуқий муаммоларни аниқлайди ва адолатли рақобат ҳамда ижтимоий ишончни таъминлашда шахслар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳамиятини ёритади.
Калит сўзлар: ишчанлик обрўси, номоддий актив, касбий сифатлар, жамоатчилик баҳоси, ҳуқуқий ҳимоя, фуқаролик ҳуқуқий механизмлари, иқтисодий йўқотиш, адолатли рақобат, goodwill таркиби, ижтимоий ишонч.

Annotation: The concept of business reputation and its legal protection occupy a significant place in civil law. Business reputation represents the public assessment of a person’s or legal entity’s professional and entrepreneurial qualities. It is a non-material asset that influences the value of a company, forms part of goodwill, and requires protection from unlawful infringement. This study analyzes the notion of business reputation, identifies the main legal problems of its regulation, and highlights the significance of protecting the rights of individuals and organizations in maintaining fair competition and social trust.
Key words: business reputation, non-material asset, professional qualities, public assessment, legal protection, civil law mechanisms, economic loss, fair competition, goodwill component, social trust

Аннотация: Понятие деловой репутации и её правовая защита занимают важное место в гражданском праве. Деловая репутация представляет собой общественную оценку профессиональных и предпринимательских качеств лица или юридического лица. Она является нематериальным активом, влияющим на стоимость компании, входит в состав goodwill и требует защиты от неправомерного посягательства. В настоящем исследовании анализируется понятие деловой репутации, выявляются основные проблемы её правового регулирования, а также подчеркивается значение охраны прав физических и юридических лиц для обеспечения честной конкуренции и общественного доверия.
Ключевые слова: деловая репутация, нематериальный актив, профессиональные качества, общественная оценка, правовая защита, механизмы гражданского права, экономический ущерб, честная конкуренция, компонент goodwill, общественное доверие

Ишчанлик обрўси масаласи замонавий жамиятда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши туфайли инсон обрў-эътиборига путур етказувчи маълумотлар сониялар ичида миллионлаб одамларга етиб боради. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларини ривожлантириш йўлида қадам ташлаётган бир пайтда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар,

корхоналар ва ташкилотларнинг ишчанлик обрўси уларнинг бозордаги рақобатбардошлиги учун ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Ишчанлик обрўсини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг зарурати қуйидаги омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг обрўси уларнинг молиявий барқарорлиги, инвестицион жозибадорлиги ва бизнес шериклар билан ўзаро ишончли муносабатлар ўрнатиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, ноқонуний рақобат шароитида баъзи ишбилармонлар рақибларининг обрўсига путур етказиш орқали бозорда устунликка эришишга ҳаракат қилишлари кузатилмоқда. Учинчидан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида ёлғон маълумотлар тарқатилиши натижасида субъектларга жиддий иқтисодий ва маънавий зарар етказилиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилигида ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари мавжудлиги тадбиркорлик муҳитига бўлган ишончни мустаҳкамлайди ва соғлом рақобат муҳитини шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, халқаро иқтисодий алоқалар доирасини кенгайтириш жараёнида хорижий инвесторлар ва ҳамкорлар учун ҳуқуқий кафолатлар мавжудлиги муҳим ҳисобланади.

Ишчанлик обрўсини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида бир қатор муаммолар мавжуд. Энг аввало, қонунчилик базасидаги норавшанликлар кўзга ташланади. "Ишчанлик обрўси" тушунчасининг аниқ таърифи, обрўга путур етказувчи ҳаракатлар тоифалари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида қонун ҳужжатларида етарлича аниқ нормалар мавжуд эмаслиги судлар амалиётида турли талқинларга сабаб бўлмоқда.

Иккинчи муҳим муаммо исботлаш юкининг оғирлиги билан боғлиқ. Жабрланган шахс ўз обрўсига путур етказилганини, бу ҳаракатларнинг ноқонунийлигини ва ўзига етказилган моддий ҳамда маънавий зарарнинг миқдорини исботлаши зарур. Амалда эса, айниқса ижтимоий тармоқлардаги фикрлар ёки шарҳлар туфайли обрўга етказилган зарарни аниқ суммада ҳисоблаш жуда мураккаб масалага айланади.

Учинчи муаммо замонавий ахборот технологиялари билан боғлиқ. Интернет тармоқларида тарқатилган ахборотнинг манбасини аниқлаш, ёлғон маълумотларни ўчириш ёки тўғрилаш, масъулларни жавобгарликка тортиш жараёнлари мураккаб ва кўпинча узоқ вақт талаб этади. Ҳамда трансчегаравий интернет платформаларида жойлаштирилган маълумотлар устидан юрисдикция масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.

Тўртинчидан, моддий ва маънавий зарарни қоплаш миқдорларини белгилаш бўйича якдил амалиёт шаклланмаган. Судлар турли ҳолатларда ўхшаш даъволар бўйича турлича қарорлар қабул қилишмоқда, бу эса ҳуқуқий муносабатларда хавфсизлик ва башорат қилишни қийинлаштиради.

Бешинчи муаммо сифатида мутахассис экспертларнинг етишмаслигини кўрсатиш мумкин. Ишчанлик обрўсига етказилган зарарни баҳолаш учун иқтисодий, маркетинг ва репутация менежменти соҳаларида малакали мутахассислар фаолияти зарур, аммо ҳозирги вақтда бундай экспертиза хизматлари етарли даражада ривожланмаган.

Ниҳоят, фуқаролик жамиятида ҳуқуқий саводхонлик даражасининг паст эканлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўпгина фуқаролар ва тадбиркорлар ўз ҳуқуқларидан хабардор эмаслиги ёки уларни ҳимоя қилиш механизмларини билмаслиги туфайли зарар кўришда давом этмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун комплекс ёндашув зарур бўлиб, қонунчиликни такомиллаштириш, суд амалиётини умумлаштириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш ва аҳоли орасида ҳуқуқий маърифат ишларини кенгайтириш каби чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Мамлакатимизда, хорижий давлатларда бўлгани каби, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилувчи қонунчилик 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида баён этилган инсон ҳуқуқлари концепциясига

асосланади[1]. Ушбу декларацияда қадр-қиммат инсон оиласининг барча аъзоларига хос экани, ундан келиб чиқадиган эркинлик ва тенглик ҳуқуқлари эса ажралмас, бекор қилиб бўлмас ва давлат ваколатларини ҳам ўз ичига олган барча ваколатлардан устун экани таъкидланади. Қадр-қиммат инсонга туғилган пайтидан бошлаб хос бўлади ва у ҳеч қандай фарқсиз тан олиниши лозим.

1966 йил 16 октябрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт ҳам шахс қадр-қимматини инсон ва фуқаронинг бошқа барча ҳуқуқ ва эркинликлари шакллантириладиган асосий неъмат, пойдевор сифатида эътироф этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ, қадр-қимматни тан олиш эркинлик, адолат ва умумжаҳон тинчлигининг асоси ҳисобланади. Халқаро пактда қуйидагича кўрсатилган: ҳеч ким унинг шаъни ва обрў-эътиборига қонунга хилоф тажовузларга дучор этилмаслиги лозим. Ҳар бир инсон бундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимояланиш ҳуқуқига эга[2].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлат қўриш асосий принциплардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. (13-модда, 26-модда).

Давлат томонидан ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш масаласи — бу инсон ҳуқуқлари, уларнинг реал таъминланиши ва давлат кафолатлаган ҳолда ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти масаласидир. Ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ — мутлақ субъектив ҳуқуқ ҳисобланади, чунки унга номаълум шахслар доирасининг мажбурияти мувофиқ келади, яъни улар ваколатли шахсга (субъектив ҳуқуқ эгасига) ўз ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилмасликлари шарт[3].

Шаън ва қадр-қимматга бўлган ҳуқуқ манфий (негатив) мазмунга эга бўлиб, бу маънода унда тартибга солишдан кўра муҳофаза функцияси устун туради[4]. Ишчанлик обрўси — шахснинг асосий табиий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уларни камситиш қонун билан белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади, энг оғир жавобгарлик тури эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси (туҳмат), 140-моддаси (ҳақорат) билан назарда тутилган жиноий жавобгарликдир.

Муаллифлар қайд этганидек, давлат томонидан ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг реал амалга оширилиши билан бевосита боғлиқдир. Уларнинг фикрича, ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ мутлақ субъектив ҳуқуқ ҳисобланади, чунки унга номаълум шахслар доираси мажбурият олади ва улар ҳуқуқ эгасига ўз ҳуқуқини амалга оширишда тўсқинлик қилмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур фикр ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри, аммо бир қатор жиҳатлар таҳлилда етишмайди.

Аввало, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган давлат механизми фақат субъектив ҳуқуққа асосланган бўлса ҳам, унинг амалий самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг объектив шароитлари, жумладан, ҳуқуқий маданият, суд

[1]Международная защита прав и свобод человека. Сборник документов. М., 1990. С. 14–16
[2]Международный пакт от 16 октября 1966 года «О гражданских и политических правах» / Информационная справочная система КонсультантПлюс
[3]Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Монография. Тошкент. 2006. Б.72
[4]Малеина М.Н. Защита чести, достоинства, деловой репутации предпринимателя // Законодательство и экономика. М., 1993. № 5. С. 14

тизими самарадорлиги ва жамоатчилик назоратига боғликдир. Шунинг учун ишчанлик обрўси ҳуқуқи фақат номаълум шахслар мажбурияти билан эмас, балки давлатнинг профилактик ва тартибга солувчи функциялари орқали ҳам таъминланиши зарур.

Иккинчидан, муаллифлар шаън ва қадр-қиммат ҳуқуқини манфий мазмунда кўрсатиб, ҳимоя функцияси устунлигини таъкидлайдилар. Бу фикр асосли бўлса-да, ишчанлик обрўси ҳуқуқий механизмлари фақат пассив ҳимоядан иборат эмас, балки фаол ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари — суд даъволари, компенсация ва репутацияни тиклаш чораларини ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, ишчанлик обрўси ҳуқуқини манфий мазмунда чеклаш унинг самарадорлигини пасайтиради.

Учинчидан, муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси (туҳмат) ва 140-моддаси (ҳақорат)ни энг оғир жавобгарлик сифатида кўрсатадилар. Бу асосли, аммо фақат жиноят йўналиши билан чекланиши ҳуқуқий назардан тўлиқ эмас. Хусусан, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ механизмлари ҳам ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ҳуқуқнинг тез ва самарали амалга оширилишини таъминлайди. Шу боис, ҳуқуқий ҳимоя комплекс қараш талаб қилади: жиноят, фуқаролик ва маъмурий механизмларнинг интеграцияси зарур.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар фикри асосли ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан мантиқий бўлса-да, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг амалиётида янада кенг ва комплекс ёндашув талаб этилади. Бу ёндашувда субъектив ҳуқуқ, давлатнинг ҳимоя функцияси ва фуқаролик-қонунчилик механизмлари интеграция қилинган ҳолда кўриб чиқилиши зарур.

Хусусан, кундалик ҳаётда, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида якка ички ишлар органлари ходимларига нисбатан шаънини туширувчи маълумотлар тарқатилмоқда. Бундай маълумотлар жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида хизмат фаолиятини олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг ишчанлик обрўсига тўғридан-тўғри зарар етказади, бироқ улар тегишли ҳуқуқий ҳимояга эга эмас.

Муаллифлар фикрича, ушбу муаммо нафақат ҳуқуқий, балки бошқа турдаги сабаблар мажмуи билан боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатда юз берган иқтисодий тизим ўзгаришлари, ахборот ресурслари ва технологиялари соҳасининг кенгайиши жамиятнинг ижтимоий-психологик ривожланишини белгилаб берди, бу эса ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиш каби устувор қадриятлар барқарорлигига таъсир қилмасдан қолмади.

Глобаллашув жараёнида ишчанлик обрўсини туширувчи ахборотдан фойдаланиш кўпчилик томонидан ахлоқий қадриятларни бузувчи хатти-ҳаракат сифатида қабул қилинмаяпти. Ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсири ишчанлик обрўсининг ҳуқуқий ҳимоясида ҳам акс этмоқда. Фуқаролик ва жиноят қонунчилиги нормалари, Олий суд Пленуми қарорлари етарлича консерватив бўлиб, амалиётда юзага келаётган барча муаммоларни ҳал қилиш имконини бермаяпти[5].

Ишчанлик обрўсини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш муносабатларини тўғри ҳуқуқий тартибга солиш давлат хизматчилари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришга, жамиятда ҳалоллик ва оқилоналик тамойилларини тиклашга хизмат қилади. Бироқ фақат ҳуқуқий тақиқларни жорий этишнинг ўзи жамият муносабатини ўзгартирмас экан, муаммони тўлиқ ҳал қилиш мушкул[6]. Шунингдек, суд амалиётидан маълумот келтириш мумкин. Мамлакатизда 2023 ва 2024 йилларда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш билан

[5]Умаров Т. Ўзбекистонда шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқароликҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш масалалари. –Тошкент: Фан, 2000. –21 б

[6]Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11

боғлиқ 44 та иш кўриб чиқилган бўлса, жорий йил биринчи ярмининг ўзида бу рақамлар 47 тани ташкил қилган ва мазкур ишларнинг 37 таси бўйича жавобгарлардан 23,7 млн. сўм моддий ва 403,6 млн. сўм маънавий зарар ундириш белгиланган[7].

Ички ишлар органлари ходимларининг ишчанлик обрўси фуқаролар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахс обрўси ўртасида қандай фарқ бор? Улар бир хил даражада ҳимоя қилиниши керакми? Ишчанлик обрўсини фақат фуқаролик-ҳуқуқий механизмлар орқали ҳимоя қилиш етарлими ёки қаттиқроқ жавобгарлик талаб этиладими?

Ички ишлар органлари ходимлари обрўси – бу фақат шахсий, балки касбий обрў ҳам бўлиб, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари сифатида уларнинг ишчанлик қобилияти, касбий фаолияти ва қонунга риоя қилиш мажбурияти билан боғлиқ. Шу боис, уларнинг обрўси:

Жамоатчилик ва аҳоли хавфсизлиги билан боғлиқлиги туфайли ижтимоий аҳамиятга эга;

Ҳимояда фақат фуқаролик ҳуқуқи механизмлари эмас, балки маъмурий ва жиноий механизмлар ҳам қўлланилиши керак;

Ушбу ходимларнинг обрўсини пасайтириш (масалан, туҳмат, ҳақорат ёки ишчанлик фаолиятини танқид қилиш орқали) фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимига ҳам таъсир кўрсатади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс обрўси асосан иқтисодий, тижорат ва жамоатчилик назорати контекстида аҳамиятга эга. Улар обрўси:

Бизнес ва ишбилармонлик соҳасидаги ишчанлик қобилияти билан боғлиқ;

Асосан фуқаролик ва маъмурий механизмлар орқали ҳимоя қилинади;

Ижтимоий хавфсизликка таъсири чекланган, асосан иқтисодий ва молиявий оқибатлар билан боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимлари обрўси ижтимоий ва давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан юқори аҳамиятга эга бўлгани учун унинг ҳимояси юқори даражада бўлиши лозим, тадбиркор ва юридик шахс обрўси эса асосан иқтисодий механизмлар билан ҳимоя қилинади.

“Ишчанлик обрўси” (лот. reputatio — ўйлаш, мулоҳаза қилиш) тушунчаси шаън ва қадр-қиммат билан узвий боғлиқ. Фуқаролик кодексининг 100-моддасида “ишчанлик обрўси” атамаси қўлланилган, аммо унинг мазмуни очиб берилмаган. Шунингдек бошқа қонунчилик хужжатларида ҳам ушбу тушунчанинг таърифи очиб берилмаган.

Илмий адабиётларда ишчанлик обрўси — шахс ёки юридик шахснинг касбий ёки тадбиркорлик фаолияти жараёнида шаклланган жамоатчилик баҳоси сифатида таърифланади[8]. Шундай қилиб, ишчанлик обрўси — шахснинг ишбилармонлик ва касбий сифатлари, фаолиятига нисбатан шаклланган ижобий жамоатчилик баҳосини ифода этувчи номоддий неъмат ҳисобланади. Олимнинг фикрига кўра, ишчанлик обрўси шахс ёки юридик шахснинг касбий ёки тадбиркорлик фаолияти жараёнида шаклланган жамоатчилик баҳоси сифатида кўрилмоқда. Бу нуқтаи назар асосли, чунки ишчанлик обрўси ҳақиқатан ҳам шахснинг касбий қобилиятлари, фаолият самарадорлиги ва ишбилармонлик сифатларига нисбатан жамоатчилик томонидан берилган баҳони акс эттиради. Шу билан бирга, бу таъриф айрим жиҳатлардан нопурраликни ҳам намоён этади.

Аввало, ишчанлик обрўсини фақат ижобий жамоатчилик баҳоси сифатида кўриш унинг ижобий ва манфий тарафларини (масалан, ишбилармонлик фаолиятидаги камчиликлар ва тўсқинликлар натижасидаги обрў пасайиши) инобатга олмайди. Илмий адабиётларда ишчанлик обрўси ҳам ижобий, ҳам манфий мазмунда кўриб чиқилиши

[7]https://sud.uz/news-2025-07-30-1/
[8]Власов А.А. Проблемы судебной защиты чести, достоинства и деловой репутации. М., 2000. С.15–23

кераклиги қайд этилади. Шу боис, «ишчанлик обрўси — номоддий неъмат» таърифини кенгайтириш ва унга манфий қирраларини ҳам қўшиш лозим.

Иккинчидан, олимнинг таърифи асосан фуқаролик-ҳуқуқий контекстга мос келади, лекин ижтимоий, иқтисодий ва давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ишчанлик обрўси ҳимоясида кенгроқ ёндашув талаб қилинади. Масалан, ички ишлар органлари ходимлари ёки давлат билан боғлиқ ташкилотларнинг обрўси нафақат жамоатчилик баҳоси, балки давлат сиёсий ва ҳуқуқий механизмлари орқали ҳам ҳимоя қилиниши керак.

Учинчидан, олим ишчанлик обрўсини номоддий неъмат сифатида қарашини таъкидлайди, аммо унинг иқтисодий ва ҳуқуқий қиймати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юридик шахслар учун ишчанлик обрўси компания қийматига таъсир қилиши, goodwill таркибида акс этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ишчанлик обрўсини номоддий ва моддий жиҳатлар жиҳатидан комплекс тушунча сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

“Ишчанлик обрўси” тушунчаси ҳуқуқ соҳасида постсовет даврида пайдо бўлган бўлиб (1991 йилда ушбу атама СССР Фуқаролик қонунчилигининг Асосларига киритилган), у янги ижтимоий ҳамда ижтимоий-психологик воқеликларни акс эттирган. Айнан шу сабабли юридик адабиётларда ишчанлик обрўси кўпинча тадбиркорлик фаолияти билан боғланади ва шахснинг жамоатчилик учун аҳамиятли бўлган фаолиятига нисбатан жамият томонидан берилган баҳо, жамиятнинг ушбу шахснинг сифатлари, фазилатлари ва камчиликлари ҳақидаги фикри сифатида таърифланади[9], жамият томонидан ижобий баҳоланиш билан бирга келадиган ҳолда шахснинг ишбилармонлик сифатларининг жамоатчилик онгида акс этиши, асосан унинг оммавий фаолияти натижасида шаклланадиган ҳолат сифатида изоҳланади[10], тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи шахснинг ишбилармонлик сифатларининг жамоатчилик онгида акс этган ижобий баҳоси сифатида талқин қилинади[11].

Олимларнинг фикрига кўра, “ишчанлик обрўси” тушунчаси постсовет даврида ҳуқуқ соҳасида пайдо бўлиб, асосан тадбиркорлик фаолияти билан боғланган ва шахснинг жамоатчилик учун аҳамиятли фаолиятига нисбатан жамият томонидан берилган баҳони ифода этади. Шу нуқтаи назардан, ишчанлик обрўси шахснинг касбий ва ишбилармонлик сифатларига боғлиқ ижобий жамоатчилик баҳоси сифатида қаралади.

Бироқ ушбу таърифни ички ишлар органлари ходимлари учун ҳам тўлиқ қўллаш мумкинми, деган саволга диққат қаратиш керак. Ички ишлар органлари ходимлари обрўси фақат шахсий ва касбий сифатлар билан боғлиқ эмас, балки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жамоат хавфсизлиги билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис:

Ижтимоий аҳамият ва хавфсизлик нуқтаи назаридан: Тадбиркорлик субъектлари обрўси асосан иқтисодий ва тижорат қийматига эътибор қаратади. Ички ишлар органлари ходимлари обрўси эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат хавфсизлиги билан боғлиқлиги туфайли жамият учун катта ижтимоий аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг обрўсини ҳимоя қилиш механизмлари ҳам кенгроқ ва қатъийроқ бўлиши лозим.

Жамоатчилик баҳоси ва оммавий фаолият: Муаллифлар таърифида тадбиркорнинг ишбилармонлик сифатлари жамоатчилик онгида акс этган ижобий баҳо сифатида қаралади. Ички ишлар органлари ходимлари учун ҳам оммавий фаолият муҳим аҳамиятга эга: уларнинг обрўси уларнинг қонунга риоя қилиш, хизмат вазифаларини самарали

[9]Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. М. 2004., С. 116

[10]Пешкова О.А. Защита деловой репутации и других нематериальных благ юридических лиц // Научные труды. Российская академия юридических наук. Вып. 4. Т. 1. М., 2004. С. 945

[11]Понятие чести, достоинства и деловой репутации: спорные тексты СМИ и проблемы их анализа и оценки юристами и лингвистами / Под ред. А.К. Симонова и М.В. Горбаневского М., 2004. С. 35

бажариш ва жамоатчилик билан муносабатлари орқали шаклланади. Аммо бу ҳолатда обрўнинг бузилиши нафақат шахсга, балки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва фуқаролар хавфсизлигига ҳам таъсир қилади.

Ҳимоя механизмлари: Тадбиркорликда ишчанлик обрўси асосан фуқаролик механизмлари орқали ҳимоя қилинади. Ички ишлар органлари ходимлари учун эса фуқаролик, маъмурий ва жиноий механизмларнинг интеграцияси зарур, чунки уларнинг обрўсини пасайтириш давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Муаллифларнинг тадбиркорликка қаратилган ишчанлик обрўси концепцияси асосли бўлса-да, ички ишлар органлари ходимлари учун ушбу тушунча ижтимоий ва ҳуқуқий контекстда кенгайтирилиши лозим. Улар учун обрў нафақат касбий ва шахсий сифатлар билан, балки давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва ижтимоий ишонч билан ҳам боғлиқ. Шу боис, Ички ишлар органлари ходимлари ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда фақат фуқаролик механизмлари эмас, балки қатъийроқ ҳуқуқий чоралар ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

“Ишчанлик обрўси” тушунчаси ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Юридик шахсларнинг ишчанлик обрўси, номоддий ва ажратилмас неъматлар қаторига киришига қарамасдан, фақат унга хос бўлган муайян хусусиятларга эга. У деганда қуйидагилар тушунилади:

— ишбилармонлик муҳитида шахсни қабул қилиш: яхши ном, маданий анъаналар, фирма номи, маҳсулот ёки хизматларнинг юқори сифати, технологик маданият, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан алоқаларнинг барқарорлиги, бизнеснинг истиқболлилиги, менежмент самарадорлиги, ходимлар малакасининг даражаси, қонун билан боғлиқ можароларнинг мавжуд эмаслиги;

— кенг жамоатчилик (мижозлар, харидорлар, оммавий ахборот воситалари) назарида шаклланган шахснинг имижи, яъни унинг фаолияти натижасида вужудга келган образи[12].

Ташкилотлар ишчанлик обрўсини ўз саъй-ҳаракатлари билан шакллантиради, шу боис у уларни индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади. Ишчанлик обрўси статик тушунча эмас, у ўзгаришларга — ошиш ва пасайишларга дуч келади. У тузатилиши мумкин. Ташкилотнинг ишчанлик обрўси унинг барча ходимларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, ҳар бирига нисбатан татбиқ этилади (масалан, лицензияси бекор қилинган ёки қайтариб олинган банкларда бошқарув функцияларини бажарган шахслар Марказий банкнинг «қора рўйхати»га киритилади ва регуляторнинг махсус рухсатисиз кредит ташкилотларида шу каби лавозимларни эгаллаш имкониятини йўқотади).

Ишчанлик обрўси — пуллик баҳога эга бўлган интеллектуал фаолият натижасидир. Ишчанлик обрўси шартнома асосида бир тараф томонидан иккинчи тарафга муайян муддатга ёки муддатсиз равишда ҳақ эвазига фойдаланиш учун берилиши мумкин, шунингдек шартнома бўйича ҳисса (вклад) сифатида ҳам киритилиши мумкин.

Ташкилотнинг ишчанлик обрўси — комплекс тавсиф бўлиб, кўп қиррали ва уни аниқлаш ҳамда баҳолаш жиҳатидан мураккаб ҳисобланади. Унинг шаклланишида бозор — ташкилотга нисбатан ташқи омил сифатида — бевосита ёки билвосита иштирок этади. Шу сабабли ишчанлик обрўсининг икки таркибий қисми ажратиб кўрсатилади: муайян ташкилотни тавсифловчи ички таркибий қисм ва ушбу ташкилотга хўжалик юритувчи субъект сифатида бозор муносабатлари орқали шаклланадиган ташқи таркибий қисм.

Ташкилотнинг ижобий ишчанлик обрўси корхонанинг иқтисодий муваффақиятида муҳим ўрин тутади. Бундай обрў, одатда, компаниянинг бозор қийматининг бир қисми, яъни компания нархига қўшимча қиймат (устама) сифатида қаралади; у муайян иқтисодий

[12] Колосова В.И. Вавилычева Т.Ю. Деловая репутация: понятие, проблемы правового регулирования и охраны. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2011, № 3 (1), с. 258–266

шароитларда корхонанинг иқтисодий фаолият субъекти сифатидаги тасаввурлар орқали шаклланади. Корхона ҳақидаги тасаввурлар у билан иқтисодий муносабатларга киришувчи шахсларнинг ташкилотни қандай қабул қилиши (баҳолаши) асосида, шунингдек унинг фаолиятининг турли жиҳатлари ҳақидаги ахборотлар негизида вужудга келади.

Корхонанинг ижобий ишчанлик обрўси тушунчаси тавсифий (ахборот) таркибий қисмдан, яъни ташкилот ҳақидаги барча маълумотлар мажмуасидан ҳамда ташкилотнинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлган баҳоловчи таркибий қисмдан иборат.

Манфий ишчанлик обрўси — корхонанинг бозор қийматининг харидор учун нархдан чегирма (скидка) тарзида ифодаланадиган қисми ҳисобланади. Манфий ишчанлик обрўсига бошқарув тажрибасининг етишмаслиги, маркетинг кўникмаларининг йўқлиги, малакали кадрларнинг мавжуд эмаслиги, йўлга қўйилган сотув тармоғининг шаклланмаганлиги киради. У келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Манфий ишчанлик обрўси тўлиқ ҳажмда ташкилотнинг молиявий натижаларига бошқа даромадлар сифатида киритилади[13].

Сўнгги пайтларда иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар томонидан хорижий ҳуқуқий тажрибасида goodwill атамаси қўлланилмоқда ҳамда goodwill («гудвилл») ва “ишчанлик обрўси” тушунчалари ўзаро тенг (тождош) эканлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси Молия вазирлигининг 1992 йил 23 декабрдаги № 117-сонли «Корхоналарни хусусийлаштириш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш тўғрисида»ги хатида ушбу атама ҳисоб объектларини белгилаш учун қўлланилган[14]. Goodwillни ҳисоблаш деганда унинг барча таркибий қисмларини, жумладан, ташкилотнинг юқори обрўси, ушбу корхона томонидан қўлланилаётган инновацион технологиялар, самарали бошқарув, бозорда устун мавқега эгалик қилиш ва ҳозирги пайтда ҳамда истиқболда юқори фойда олиш имконини берувчи бошқа хусусиятларни ҳисоб-китоб қилиш тушунилади. Бошқача айтганда, goodwill корхонанинг активлари, шу жумладан номоддий активлар мажмуасининг қийматини акс эттиради.

Бироқ бундай фикрга қўшилиш қийин, чунки goodwill фирманинг моддий активларини қамраб олмайди, шу сабабли у ташкилот активларининг умумий қийматини тўлиқ акс эттира олмайди. Goodwill ва ишчанлик обрўси тушунчаларини тенглаштириб бўлмайди. Корпоратив ҳуқуқда goodwill деганда фирманинг номоддий қиймати, яъни унинг обрўси, ишбилармонлик алоқалари, шунингдек фирма номи, товар белгилари, мижозлар базаси каби бошқа номоддий элементлар тушунилади. Бу — мижозларни жалб қилувчи куч бўлиб, у мижозларни олиб келади”[15].

Шундай қилиб, ишчанлик обрўси номоддий активлардан бири ва goodwill таркибидаги муҳим элемент бўлиб, компания қийматига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки у балансдаги активлар ва мажбуриятлар қиймати ҳамда сотув қиймати орасидаги фарқ орқали ифода этилади. Юридик шахсларнинг ишчанлик обрўси ўзгариши мумкин. Хусусан, ишчанлик обрўси мазмунини ўзгартириш ҳуқуқи муайян имижни шакллантиришга қаратилган шартномалар тузиш орқали амалга оширилиши мумкин, асосий қисми эса жамоатчилик баҳосини шакллантиришдан иборат[16].

---

[13]Смолина Л.В. Защита деловой репутации организации // СПС КонсультантПлюс. 2008
[14]Колосова В.И. Вавилычева Т.Ю. Деловая репутация: понятие, проблемы правового регулирования и охраны. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2011, № 3 (1), с. 258–266
[15]Alan Murdie. Q&A series. Intellectual Property Law. Second edition. London. Sidney. Cavendish Publishing Limited. 2000. P. 150
[16]Гражданское право: Учебник. Часть первая / Под ред. А.Г. Калпина, А.И. Масляева. М., 2000. С. 164

Ишчанлик обрўси ва унинг жамият томонидан берилган ижобий ёки манфий баҳоси кўплаб омилларга боғлиқ, аммо юридик шахснинг ишчанлик обрўсини дискредитация қилиш мазкур корхонада фаолият юритувчи бутун жамоатнинг манфаатларига таъсир кўрсатади, директор ёки ташкилот эгасидан тортиб курьергача. Энг кўп ҳолларда ишчанлик обрўси айниқса тижорат ташкилотлари учун таҳдид солади, бу бошқалар томонидан (одатда оммавий ахборот воситалари орқали) ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилиши ёки кимдир ўз рекламасини тарқатиши орқали содир бўлади. Натижада компания қиймати сезиларли даражада пасайиши мумкин, бу эса уни сотиш тайёргарлиги жараёнида алоҳида хавфли ҳисобланади.

Бизнес билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг зарари аниқ ва сезиларлидир. Уларнинг мол-мулкий, пуллик эквиваленти мавжуд ва нисбатан аниқ аниқлаш мумкин. Бу ҳолатда тушунарсиз нарса шундаки, давлат тижорат сирига оид маълумотларни олиш ёки ошкор этиш учун жиноий масъулиятни жорий қилиш орқали бизнес манфаатларини ҳимоя қилса ҳам, энг хавфли турларидан бири – юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсини пасайтириш, эркин рақобат принципларига жиддий зарар келтирадиган ҳолатни жиноят сифатида қарамаган.

Жамоатчилик хавфининг хусусияти зарар етказилаётган жамоатчилик муносабатлари қийматига боғлиқ. Жиноят ҳуқуқи мутахассислари қайд этадиларки, “криминалистика асослари — бу аниқ ижтимоий талабни яратадиган, ички заруратга эга бўлган жиноят-қонунчилик янгилиги”[17].

А.Л. Анисимов “ишчанлик обрўси” ва “ижтимоий нуфуз” тушунчаларини тенглаштириб, уларни шахс, инсонлар гуруҳи ёки ижтимоий институт, юридик шахснинг жамиятдаги ўрнининг ижтимоий аҳамиятини солиштирувчи баҳоси сифатида, яъни жамоатчилик фикрида мустаҳкамланган ҳолатда таърифлайди[18].

“Шаън”, “қадр-қиммат”, “яхши ном”, “обрў”, “ишчанлик обрўси”, “ижтимоий нуфуз” ва бошқа шунга ўхшаш тушунчаларнинг тенглиги ёки фарқлари ҳақидаги турли фикрларни ҳисобга олган ҳолда, А.М. Эрделевский ишчанлик обрўси учун универсал тушунчани жорий қилишни таклиф қилади, шу билан бирга айтадики, айнан шундай ягона термин англосаксон ҳуқуқида муваффақиятли қўлланилади.

Шу билан бирга, ишчанлик обрўси тури масаласи зарур бўлганда, унинг обрўси пасайтирилган субъект турига қараб ҳал қилинади. Коммерция юридик шахси ўз коммерция обрўсини ҳимоя қилади, давлат органи вазифасини бажарадиган муассаса эса бошқарув обрўсини ва ҳ.к. ҳимоя қилади[19].

Шундай қилиб, қадр-қиммат, шаън, ишчанлик обрўси ва имиж – ўхшаш тушунчалар бўлиб, улар бир-бирига яқин бўлса-да, тўлиқ тенг эмас. Шу боис қонунда умумэътироф этилган ва анъанавий равишда қўлланиладиган атамалардан воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳолатида шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси нафақат шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатларни акс эттиради, балки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жамоат хавфсизлиги билан ҳам боғлиқ. Шу боис уларнинг обрўси катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқ нормалари орқали ҳимоя қилиниши лозим.

Шаън ва қадр-қимматнинг поймол қилиниши ходимнинг жамоатчилик ва давлат олдидаги мақомини пасайтиради, нормал ижтимоий алоқаларнинг йўқолишига ва

[17]Основания уголовно-правового запрета. М., 1982. С. 198
[18]Анисимов А.Л. Гражданско-правовая защита чести, достоинства и деловой репутации по законодательству Российской Федерации. М., 2001. С. 17
[19]Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. М. 2004., С. 119

уларнинг касбий фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ходимларнинг ишчанлик обрўси эса уларнинг оммавий фаолияти, қонунга риоя қилиш ва касбий қобилиятлари асосида шаклланади ва бу давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу боис, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси ички ишлар органлари ходимлари учун энг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий қиймат ва эҳтиёж ҳисобланади ва уларни ҳимоя қилишда фақат фуқаролик-қонунчилик механизмлари билан чекланиб қолмай, қатъийроқ жиноий ва маъмурий чоралар ҳам қўлланилиши керак.